
Президент амалдорлар халқ ва ОАВ билан мулоқотда кибрга берилмаслиги шартлигини таъкидлади

Кеча, 22 ноябр куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев йиғилиш ўтказди. Унда давлат раҳбари жумладан шундай деган:

“Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугун сизлар билан яна бир муҳим масалани муҳокама қилиб олишимиз зарур.

Барчангиз кўриб, билиб турибсиз, бугун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида **очиқлик** ва **шаффофлик** таъминланмоқда. Замон тез ривожланмоқда, халқимизнинг дунёқараши ўзгармоқда. Бу борада айниқса, **оммавий ахборот воситалари** катта роль ўйнамоқда. Улар ҳаётининг муҳим масалаларга эътиборимизни қаратиб, муаммоларни ҳал этишда бизга кўмаклашмоқдалар. **Демократик жамиятнинг асосий талабларидан бири ҳам шу.**

Шуни эсдан чиқармайлик, матбуотни **фаолиятимизни акс эттирувчи кўзгу** деб билишимиз керак. **Афсуски, кўп йиллар давомида биз ана шу кўзгуга қарашни ўзимизга эп кўрмадик.** Оқибатда ҳақиқий қиёфамизни кўролмай қолдик. Халқимизга очиқ-ойдин маълум бўлиб турган айбу нуқсонларимизни тан олмасдан, **“мен ҳаммадан зўрман”** деб ўзимизга бино қўйиб, кеккайиб юравердик. **“Юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама”** деган доно мақолни буткул унутиб қўйдик.

Йиллар давомида жамиятимизда қанчадан-қанча иллатларнинг томир отиши, муаммоларнинг йиғилиб қолишининг асосий сабабларидан бири ҳам шу бўлгани, айтиш мумкин. Мен бу гапларни нима учун айтаётганимни ҳаммангиз яхши тушуниб турибсиз. **Бугун барча бўғиндаги раҳбарларнинг жамоатчилик билан, айниқса оммавий ахборот воситалари билан муомала маданияти ҳар қачонгидан ҳам муҳим масалага айланди.**

Айрим ҳолларда раҳбарлар томонидан танқидни қабул қила билмаслик, нима қилиб бўлса-да, уни тан олмасликка бўлаётган уринишларда ҳам кўзга ташланмоқда. Афсуски, баъзи раҳбарлар халқ билан, матбуотчилар билан мулоқотда **оддий муомала маданиятини, маънавиятни унутиб қўйишмоқда.** Улар томонидан қилинган мурожаатларга ўз вақтида, холис жавоб берилмаслиги ҳам ҳақли эътирозларга сабаб бўлаяпти.

Ўзингиз гувоҳ бўлиб турибсиз, деярли ҳар куни ижтимоий тармоқларда қайсидир раҳбарнинг фаолияти билан боғлиқ шов-шувли хабар тарқалаяпти. Уларда берилмаётган **танқидий материалларга ўз вақтида холис, асосли муносабат билдирилмаётгани** оқибатида одамлар орасида ҳар хил фикрлар, баҳс-мунозаралар юзага келмоқда. Энг ачинарлиси, баъзи раҳбарлар жамоатчилик ўртасида турли зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин бўлган бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига, **кибру ҳавога берилиш, ўзига бино қўйиш билан масалани янада чигаллаштирмоқда.**

Тушунаман, ҳар кимнинг ўзига яраша ғурури, иззат-нафси бор. Лекин раҳбар шуниси билан раҳбарки, **у нафақат ўзининг шаънини, балки давлат идорасининг обрўсини ҳам сақлашга масъул эканини унутмаслиги керак. У ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларга, кескин ва долзарб муаммоларга дуч келмасин, вазиятдан оғир-босиқлик ва вазминлик билан чиқиб, фақат қонунга асосланган тўғри қарор қабул қилиши шарт.**

Шу билан бирга, ҳар қайси раҳбар ўз масъулияти ва жавобгарлигини, аввало ўз виждони олдида, унга ишонч билдирган эл юрт олдида чуқур англаса, фаолиятида **қатъиятлик билан вазминлик, талабчанлик билан ақл-заковатни уйғунлаштира олса**, халқнинг чинакам меҳрини ва ишончини қозона олади.

Хоҳ у Ҳукумат аъзоси бўладими, вазир бўладими, хоҳ ҳоким бўладими ёки прокурорми, ушбу талаб - барчамизга, оммавий ахборот воситалари ходимларига ҳам бирдек тегишли.

Буни унутишга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.”
2019-11-23 11:59:13